

**Мавзу:**

**Ёнғин хавфсизлигининг  
ҳуқуқий-меъёрий асосини  
ташкил қилувчи ҳужжатлар  
ТИЗИМИ  
(2 –қисм.)**

# Режа:

1. “Ёнғин хавфсизлиги түрлесида” ги қонун, унинг мақсади ва вазифаси.
2. Давлат ёнғин назорати түрлесидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
3. Күнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари түрлесидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
4. Ўт ўчириш-техник комиссиялари түрлесидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
5. Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари түрлесидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
6. Ёнғин хавфсизлиги бўйича бошқа меъёрий – техник ҳужжатлар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА “ДАВЛАТ ЁНГИН НАЗОРАТИ ТҮҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг  
1993 йил 17 майдаги  
227-сон қарори  
билин тасдиқланган

**Низом:  
4 та бўлим ва  
28 та банддан иборат.**

**Низомнинг бўлимлари:**

- I. Умумий қоидалар**
- II. Давлат ёнғин назоратининг вазифалари**
- III. Давлат ёнғин назоратининг ҳуқуқлари**
- IV. Давлат ёнғин назоратининг мажбуриятлари**

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назорати ёнғин чиқиши мумкин бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ёнғинга қарши аҳволни яхшилаш бўйича асосли тавсиялар бериш ҳамда республикада шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги обьектларининг ёнғин хавфсизлигини зарур даражада сақлаш мақсадида амалга оширилади.
2. Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назоратини амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига кирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиласидилар.

- 3. Қуидагилар Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назорати органлари ҳисобланадилар:
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси;
- Қарақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаларининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармалари ва бўлимлари;
- Шаҳарлар, туманлар ва шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг давлат ёнғин назорати бўлимлари, инспекциялари, инспекторлари, Ўз.Р ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси, транспорт ички ишлар бошқармалари, бўлимлари, ички ишларнинг транспорт йўлида ишловчи бўлимлари;
- Ички ишлар вазирлигининг шаҳарларни, аҳоли пунктларини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳарбийлаштирилган ва профессионал ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмлари;
- Ўз.Р ИИВ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасига бевосита бўйсунувчи ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимлари.

- Ўз.Р ИИВ ёнғиндан мұхофаза қилиш бошқармасынинг бошлиғи лавозимиға күра бир вақтнинг үзида Ўз.Р ёнғин назорати бүйича Бош давлат инспектори ҳисобланади, унинг үринбосарлари эса — Ўз.Р ёнғин назорати бүйича Бош давлат инспекторининг үринбосарлари ҳисобланадилар.
- Ўз.Р ИИВ ёнғиндан мұхофаза қилиш бошқармаси бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг үринбосарлари Ўз.Р ёнғин назорати бүйича Бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари ҳисобланадилар.
- Ўз.Р ИИВ ёнғиндан мұхофаза қилиш бошқармаси таркибий бўлинмаларининг бош мутахассислари, бош муҳандислари, муҳандислари, катта инспекторлари, инспекторлари ва ходимлари Ўз.Р ёнғин назорати бүйича Бош давлат инспекторининг ёрдамчилари ҳисобланадилар.
- ҚРси ИИВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнғиндан мұхофаза қилиш бошқармалари ва бўлимларининг ҳамда Ўз.Р ИИВ ёнғиндан мұхофаза қилиш бошқармасига бевосита бўйсунувчи ёнғиндан мұхофаза қилиш бўлимларининг бошлиқлари, лавозимиға күра, бир вақтнинг үзида ҚРси, вилоятлар, шаҳарлар ва обьектларнинг ёнғин назорати бүйича бош давлат инспекторлари ҳисобланадилар, уларнинг үринбосарлари эса — ҚРси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва обьектларнинг ёнғин назорати бүйича бош давлат инспекторларининг үринбосарлари ҳисобланадилар.

- ҚРси ИИВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимларининг, бошқарма ва бўлимлари таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари бир вақтнинг ўзида, лавозимларига кўра, ҚРси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ёнғин назорати бўйича **бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари** ҳисобланадилар.
- ҚРси ИИВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармалари ва бўлимлари таркибий бўлинмаларининг бош мутахассислари, катта муҳандислари, катта инспекторлари, муҳандислари, инспекторлари ва ходимлари, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳарбийлаштирилган ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари, Ўз.Р ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси, транспорт ички ишлар бошқармалари, бўлимларининг, шаҳарлар, туманлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимлари Давлат ёнғин назорати бўлинмалари, инспекцияларининг бошлиқлари — ўзлари хизмат кўрсатаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича **катта давлат инспекторлари** ҳисобланадилар.

- Ҳарбийлаштирилган ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларининг, Ўз.Р ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасининг, транспорт ички ишлар бошқармаси ва бўлимларининг, шаҳарлар, туманлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимлари, Давлат ёнғин назорати бўлинмалари ва инспекцияларининг катта муҳандислари, катта инспекторлари, муҳандислари ва инспекторлари, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича профессионал ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларнинг бошлиқлари— ўzlари хизмат кўрсатаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.
- 4. Белгилаб қўйилсинки, профессионал ёнғиндан муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш бўйича ходимларнинг қўшимча лавозимлари жорий қилиниши ёнғиндан муҳофаза қилиш ходимлари сони ва иш ҳақи фонди ҳисобига амалга оширилади, лекин у бу муҳофаза қилиш ходимлари умумий сонининг **4 фоизидан** кўп бўлмаслиги керак.

5. Давлат ёнғин назоратининг органлари ва мансабдор шахслари назорат функцияларини амалга оширишда ва берилган ҳуқуқлардан фойдаланишда мустақилдирлар, қонунларга, бошқа норматив ҳужжатларга, Ўз.Р ёнғин хавфсизлиги бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган қоидалар, меъёрлар ва андазаларга, шунингдек, **мазкур Низомга амал** қиласидар.
6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати обьектларида давлат ёнғин назорати тегишлича Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур ҳолларда бошқа вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, назорат хизматларининг раҳбарлари билан биргаликда ҳалқ ҳўжалиги обьектларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур Низомни қўллаш бўйича буйруқлар ва йўриқномалар чиқаради.

## **II. Давлат ёнғин назоратининг вазифалари**

- 8. Ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларида ёнғин чиқиши хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш.
- 9. Қайси идорага қарашлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар, объектлар ҳамда фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.
- 10. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғинлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишига оид ишлар бўйича суриштирув ўтказиш.
- 11. Аҳоли пунктлари ва объектларнинг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жанговар тайёргарлигини назорат қилиш ҳамда уларнинг қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, ёнғинларни учириншга, авариялар, табиий оғатлар оқибатларини тугатишга жалб этиш.

12. Лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари томонидан корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш пайтида назарда тутилган андазалардаги ёнғинга қарши талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Ер майдонлари танлаш ва корхоналар, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссиялари ишида иштирок этиш.

13. Ёнғин хавфсизлиги талабларини белгиловчи андазалар, меъёрлар ва қоидаларни ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қоидалар мавжуд бўлмаган обьектлар қурилиши учун лойиҳа ечимларини келишиб олиш.

14. Корхоналар ишчилари, хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талабалари ва ўқувчиларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича тайёргарлигини ташкил этиш ва унинг сифати устидан назоратни амалга ошириш.

### **III. Давлат ёнғин назоратининг ҳуқуқлари**

- 15. Қайси идорага қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар ва турар жойларда Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича амалдаги қонунлари, қарорлари, қонун ҳужжатлари, фармойишларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилишни амалга ошириш.
- Исталган вақтда маъмурият вакиллари билан биргаликда, турар жойларда эса уй эгаси, квартирани ижарага олган шахснинг розилиги билан кундуз куни ёнғинга қарши талаблар ва андазалар, меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилишини текшириш.
- Ўз.Р аккредитация қилинган дипломатик ва бошқа хорижий ваколатхоналар эгаллаб турган бинолар ва иморатларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш давлат ёнғин назорати органлари томонидан фақат шу муассасаларнинг расмий вакилларининг илтимоси ҳамда ёзма рухсатномаси асосида ўтказилади.

- Ёнғин хавфсизлиги қоидалари, андазалар, техник шартлар ва иш тартиблари бузилғанлиги аниқланған ҳолларда, объект (корхона, муассаса, иншоот, бино ва бошқалар)ни қуришда, қайта қуришда, кенгайтиришда ёки техник жиҳатдан қайта қуришда лойиҳада ёки лойиҳалаш нормаларида назарда тутилған ёнғинга қарши талаблар бажарилмаган тақдирда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга ҳамда фуқароларга аниқланған бузилишларни бартараф этиш ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш.
- Тезлиқда бартараф этилмаслиги ёнғин келиб чиқишига, ёйилишига ёки ёнғинни ўчиришни қийинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши аниқланған ҳолларда Ўз.Р ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори, унинг ўринbosарлари, ҚРси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринbosарлари корхоналарнинг, айрим ишлаб чиқаришларнинг ишини қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўйиш, бинолар, иншоотлардан фойдаланишни тақиқлаш; хатти-ҳаракатларни тўхтатиб қўйиш ёки ишларни бажаришга берилған рухсатларни бекор қилиш; ёнғин чиқариш хавфи бўлган моддалар, материаллар ва буюмларни тайёрлашни, ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни тақиқлаш, ёнғин назорати бўйича қолган давлат инспекторлари эса — агар бу умуман корхонанинг ишдан тўхташига олиб келмаса, алоҳида бинодан фойдаланишни тақиқлаш, ишлаб чиқариш участкаси ёки агрегат ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

- Корхона, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш участкаси, агрегат ишини тұхтатиши ҳақидаги қарор объект раҳбарига тақдим этилади ҳамда у бундай қарор қабул қилиниши учун асос бўлган бузилишлар тўла бартараф этилгунга қадар амалда бўлади.
- Давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмалари ва қарорлари мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Бу қарор ва ёзма кўрсатмалар ўз ваколати доирасида уларни чиқарган ёнғин назорати бўйича давлат инспектори, Давлат ёнғин назорати юқори органи ёхуд суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.
- Тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолияти тўхтатиб турилишига ёки тўхтатилишига сабаб бўладиган ушбу банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган чоралар суд тартибида қўлланади, фавқулодда вазиятларнинг ва аҳоли ҳаёти ва саломатлигига бошқача муқаррар ҳавф пайдо бўлишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно.

16. Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалардан ёнғин хавфсизлиги ҳолатини тавсифловчи зарур материалларни, ёнғинлар тўғрисидаги маълумотларни, ёнғин чиқариши мумкин бўлган материаллар ва маҳсулотлар ҳақидаги техник ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

17. Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалар томонидан ёнғин хавфсизлиги ҳолатига баҳо бериш бўйича экспертизалар ўтказилишини, ёнғинларнинг сабабларини аниқлаш, технологиялар, фойдаланиладиган ва ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар, буюмлар, моддалар ва материалларнинг тез ёниб кетишига, уларнинг меъёрлар, қоидалар, андазалар ва техник шартларга мувофиқлигини аниқлаш бўйича назорат синовлари ўтказилишини тайинлаш. Иш жойи ва атроф-муҳитнинг назорат таҳлилларини ўтказиш. Экспертиза ва назорат ишлари ҳамда синовлар объектлар ҳисобига бажарилади.

18. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига ва айрим ходимларига, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, андазалар талаблари ва меъёрларини бузишда айбдор бўлган ёки уларни бажармаган фуқароларга Ўз.Р амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазолар бериш.
19. Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига андазалар, ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларини мунтазам равишда бузувчи ёки давлат ёнғин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармовчи шахсларни белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

#### **IV. Давлат ёнғин назоратининг мажбуриятлари**

20. Ёнғинга оид вазиятни ҳамда ёнғиннинг олдини олиш ишларининг аҳволини ўрганиб чиқиш асосида аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларини ёнғин хавфидан муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича асосли тавсиялар ишлаб чиқиш.
21. Манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда биноларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ёнғин хавфига қарши ишларни бажариш.
- Объектларда ва аҳоли пунктларида ёнғин муҳофазасини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда иштирок этиш.
22. Объектлар ва аҳоли пунктлари ёнғин хавфсизлигининг аҳволи, юз берган ёнғинлар, назорат фаолиятининг натижалари тўғрисида белгиланган тартибда жамоатчиликни хабардор қилиш.
23. Ёнғинга қарши кураш масалалари бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш, белгиланган тартибда ёнғин-техника адабиёти, плакатлар, эсдалик хатлари нашр этишни, ёнғинга қарши мавзуларда кинофильмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

24. Кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятлари ва кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналарининг мустаҳкамланиши ва ривожланишига кўмаклашиш, ёнғинларнинг олдини олишда улар ишини мувофиқлаштириш.
25. Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича қонун ҳужжатларининг қўлланиши амалиётини умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича тегишли органларга таклифлар киритиш.
26. Давлат ёнғин назорати органларининг мансабдор шахслари уларга юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганликлари ёки бажармаганликлари ҳамда уларга берилган ҳуқуқлардан нотўғри фойдаланганликлари учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.
27. Давлат ёнғин назорати мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Давлат ёнғин назорати юқори органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

# Назорат саволлари

- 1.Давлат ёнғин назорати нима ва уни кимлар олиб боради?
- 2.Давлат ёнғин назорати нима мақсадда амалга оширилади?
- 3.Кимлар давлат ёнғин назорати органлари ҳисобланадилар ?
- 4.Ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг бошлиғи лавозимиға қўра яна қанақа вазифаларни бажаради?
- 5.Давлат ёнғин назоратининг органлари ва мансабдор шахслари назорат функцияларини амалга оширишда нималарга асосланадилар?
- 6.Давлат ёнғин назоратининг органлари ва мансабдор шахслари назорат функциялари нималардан иборат?
7. Давлат ёнғин назоратининг вазифалари нималардан иборат?
8. Давлат ёнғин назоратининг ҳуқуқлари нималардан иборат?
9. Давлат ёнғин назоратининг мажбуриятлари нималардан иборат?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ЁНФИН НАЗОРАТИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ХАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 547-модда)

- «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда республикада давлат ёнғин назоратини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳқамаси қарор қиласди:
- 1. Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 4 октябрь, 272-сон

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**

